

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ҲУДУДИЙ-ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ. (МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ МИСОЛИДА)

**Чориев Абдиқайим Қодирович - Термиз Давлат университети
география кафедраси катта ўқитувчиси.**

**Очилова Гуласал Музаффаровна - Термиз Давлат университети
талабаси**

Аннотация. Ушбу мақолада Марказий Осиё давлатлари мустақилликни қўлга киритишлари билан ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичи бошланганлиги, бу босқич муштарак мақсадлари бир бўлган давлатларнинг ўзаро тенгликка таянган дўстона ҳамкорликларини янги асосларга суянган ҳолатда ривожланаётганлиги, яъни иқтисодий интеграцияни вужудга келтириш орқали кечадиган босқичи эканлиги, ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишда ривожланган давлатларнинг, тарихий синовлардан ўтган бирдан –бир йўли эканлиги очиқ берилган.

Калит сўзлар; иқтисодий интеграция, Марказий Осиё давлатлари, ишлаб чиқариш, халқаро, ихтисослашув.

Аннотация. В статье раскрыты вопросы о том, что с приобретением независимости центральноазиатскими государствами начался новый этап социально-экономического развития, что этот этап развивается на основе дружественного сотрудничества, которое операется на взаимное равенство государств с общими целями, то есть, являющаяся этапом, присходящим через осуществление экономической интеграции, и что единственный прошедший через исторические испытания правильный путь в достижении социально-экономического развития процветающих государств.

Ключевые слова. Экономическая интеграция, государства Центральной Азии, производство, международный, специализация.

REGIONAL AND GEOGRAPHICAL ASPECTS OF ECONOMIC INTEGRATION (ON THE EXAMPLE OF CENTRAL ASIAN COUNTRIES)

Choriev Abdikayim Qodirovich – Senior Lecturer, Department of Geography,
Termez State University.

Ochilova Gulasal Muzaffarovna – Student, Termez State University.

Summary. The article reveals the questions that with the acquisition of independence by the Central Asian states, a new stage of socio-economic development has begun, that this stage is developing on the basis of friendly cooperation, which is based on the mutual equality of states with common goals, that is, it is a stage that occurs through the implementation economic integration, and that the only correct path that has gone through historical trials in achieving the socio-economic development of prosperous states.

Keywords: Economic integration, Central Asian states, production, international, specialization.

Ҳар қандай иқтисодий интеграциянинг замирида ҳудудий (географик) бирлик ва яхлитлик, тарихий тараққиёт ҳамда халқларнинг яқин ўтмишидаги тақдири бирлиги, аҳолисининг этник бирлиги, эзгу мақсадлари бирлиги, коммуникациялар, иқтисодиётининг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги, сув ҳўжалиги ва энергетика объектларидан ҳамкорликда фойдаланиб ишлатиш, темир йўл ва автомобил транспорти ягона тизимини вужудга келтириб ишлатишдаги мақсадлари бирлиги ва бошқалар ётади. Шу жиҳатдан иқтисодий интеграцияни Марказий Осиё давлатлари (МОД) мисолида қараб чиқишнинг ўз ўрни бор.

МОД аро иқтисодий интеграция (ИИ) ҳақида фикр юритганимизда биз кичик интеграция тизими ҳақида фикр юритамиз, чунки унга уюшган мустақил давлатларнинг ҳар бири ўзларининг хўжалик фаолиятларидаги кўпқиррали интеграция бирлигини мустақил тарзда сақлайдилар ва хал қиладилар.

Марказий Осиё давлатлариаро ривожланиб бораётган халқаро меҳнат тақсимооти мазкур давлатларининг маҳсулот этиштириш кўлами, миқёси ва ҳилига ўз таъсирини ўтказиб боради ва шу асосда уларнинг хўжаликни иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда юритишларига (ва шу билан бирга ҳудудий меҳнат тақсимотига) ўз таъсирини кўрсатади. Бу нарса табиий равишда мазкур давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини бири-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга МОД аро ИИ халқаро меҳнат тақсимотининг таркибий қисми бўлиб, унинг ривожланиб боришга моддий асос яратиб беради[2].МОД аро ИИ унинг ҳар бир субъекти халқ хўжалигининг тармоқ тузилишига, унинг ихтисослашув даражасининг чуқурлашиб боришига ҳамда давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.ИИ натижасида унга уюшган ҳар бир мустақил давлатнинг географик (айниқса ҳудудий, табиий ресурс) ва иқтисодий (меҳнат ресурси, техникавий, технологик, транспорт) имкониятлари тўлароқ ишга солинади.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши сабабли Марказий Осиёда бешта Республика ўрнида муштарак мақсадлари бир бўлган мустақил давлатлар пайдо бўлди. Тарихий ҳақиқат шуки, бу ҳудуд давлатлар оша Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон деб юритилган . Тарих тақозоси билан бу ҳудуд халқлари (бинобарин давлатлари) яна рамзий маънода бирлашадиган бўлди. Бу хил бирлашиш бизнинг фикримизча жаҳондаги ривожланган давлатлар босиб ўтган йўл орқали, яъни мустақил давлатчиликни сақлаган ва уни ривожлантиришни олий мақсад қилиб олган ҳолда ИИ ни шакллантириш ва ривожлантириш орқали ўтадиган йўлдир[5].

Эндиликда барқарор иқтисодий интеграцияни вужудга келтириш борасида Марказий Осиё давлатлари кутлуғ ишларни амалга оширмакдалар. Марказий Осиё давлатлари даражасидаги интеграцияга келсак у ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу

хусусиятлар бизнинг фикримизча, уларнинг тарихий ва ҳудудий бирлиги, халқларнинг эса этник келиб чиқиши жихатидан бирлиги, бир-бутунликни азал-азалдан муқаддас деб билиши, уни асрлар оша қадрлаб келиши, яқин ва узоқ келажакга йўналтирилган эзгу мақсадларининг бирлигидадир. Бу интеграция ўз моҳиятига кўта ҳамиша халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бутун тарих давомида бу минтақа халқлари ажнабий босқинчилар ҳукмронлигига қарши елкама-елка туриб курашиб келганлар. Бу халқларнинг вакиллари мустақилликни қўлга киритиш ва мустақил давлатлар тузиш ғоялари бирлаштирган. Бу халқлар Туркистон деб ном олган улкан ҳудудда асрлар давомида яшаб келганлар.

Марказий Осиё ҳамдўстлигининг келажагига ишонч билан қараш учун ҳамма асослар мавжуд. Зарур ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган[3].

Ягона иқтисодий маконнинг маъноси шуки, МОД таркибидаги ушбу давлатлараро иқтисодий интеграциянинг барча жабҳаларида ва айниқса товар айирбошлашда тўсиқлар олиб ташланади, эркин савдо-сотиқ қилишга кенг йўл очилади, унинг ҳар-бир аъзоси биридан-иккинчисига олиб ўтиладиган маҳсулотлар учун бож тўлашдан озод қилинади.

Марказий Осиёдаги барча мустақил давлатлар халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти, имконият, йўналиш ва қонуниятларига эга. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек „Ҳар бир мустақил давлатнинг ўз ривожланиш йўли бор“[1]. Айни пайтда Марказий Осиёдаги барча давлатларни бирлаштирувчи, уларнинг халқ хўжалигини боғлаб ривожлантиришга асос бўладиган тарихий-географик омиллар ҳам бор. Бу географик имконият (омил)лари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ҳудудий яқинлик ва яхлитлик;
- табиий географик омил;

- меҳнат ресурси омили;
- саноат ва транспорт омили;
- сув хўжалиги омили ва бошқалардир[4].

Марказий Осиё халқларининг интеграцияси орзу ёки келажакга мўлжалланган лойиҳа эмас, бу – бор нарса, бу – мавжуд воқелик бўлиб, фақат ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий томонларини ривожлантириш зарур, МОД аро ИИ ни ривожлантиришнинг асосий мақсадларидан бири, аввало ушбу давлатларининг иқтисодиётини ривожлантиришдир.

Хуллас, Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни ривожлантириш учун унинг барча субъект (давлат) ларида объектив асослар мавжуд. Бу интеграция ҳамдўстлик давлатчиликини жипслаштириш ва ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида минтақадаги мамлакатларнинг куч-ғайратлари ва саъйи-ҳаракатларини жипслаштиришга қаратилгандир.МОД да ИИ ни ривожлантиришдан асосий мақсад Марказий Осиё давлатлари аро мустақил давлатчиликини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш ва ушбу минтақа халқларининг қадимий қон–қардошлик, дўстлик йўлидаги куч-ғайратларини бирлаштиришга қаратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016,54 б.
2. Содиқов А.М, Илмий раҳбарлигида. Сурхондарё вилоятини ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Тошкент, 2013,244 б.
3. Солиев А. Ўзбекистон географияси. Тошкент „Университет” , 2014, 403-б.
4. Солиев А. , Аҳмедов Э. , Маҳмадалиев Р. , ва бошқалар. Минтақавий иқтисодиёт . Тошкент, „ Университет” , 2003.